

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРСИЕВ САЙДИАХАТ СОЛИХОДЖАЕВИЧ

КўП ПОҒОНАЛИ СТРУКТУРАГА ЭГА БўЛГАН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ
УСУЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари,
телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of Doctoral (DSc) Dissertation

Парсиев Сайдирахат Солиходжаевич

Кўп поғонали телекоммуникация тармоқларини тадқиқ қилиш усуллари, моделлари
ва алгоритмлари3

Парсиев Сайдирахат Солиходжаевич

Методы, модели и алгоритмы исследования телекоммуникационных сетей с
многоуровневой структурой..... 28

Parsiyev Saydikhad Solixodjaevich

Methods, models and algorithms of research of telecommunication network's a
multi-level structure51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....57

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРСИЕВ САЙДИАХАТ СОЛИХОДЖАЕВИЧ

КЎП ПОҒОНАЛИ СТРУКТУРАГА ЭГА БЎЛГАН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ
УСУЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ

05.04.01 – Телекоммуникация ва компьютер тизимлари,
телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотларни тақсимлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/T399 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва Ziyonet ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Нишанбаев Туйғун Нишанбаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гулямов Шухрат Маннапович
техника фанлари доктори, профессор

Турсунов Бахтиёр Муҳаммеджанович
техника фанлари доктори, профессор

Давронбеков Дилмурод Абдужалилович
техника фанлари доктори, профессор


Етакчи Ташкилот:

Тошкент Давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 16 июл соат 14⁰⁰ даги мажлисида ZOOM платформаси орқали on-line шаклда бўлиб ўтади. Zoom идентификатори: 330 044 4963; Код: 1. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108 – уй. Тел: (9971) 238-65-44; факс: (9971) 238-65-52; e-mail tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетидаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (.?!.@... рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108 – уй. Тел: (9971) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил « 06 » июн кун тарқатилди.
(2021 йил « 06 » июн даги 2 рақамли реестр баённомаси)



И.Х.Сиддиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э.Хужаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD., доцент

Д.А.Давронбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқларини тадқиқ қилишнинг самарали усуллари ва алгоритмларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Энг долзарб бўлган ишлар, жумладан кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқлари структурасини синтез қилишга, келтирилган умумтармоқ харажатлар мезони бўйича оптималлаштириш алгоритмларига, келиб тушаётган маълумотлар оқимининг приоритетлигини ва ҳар хил турдалигини ҳисобга олувчи вақт-эҳтимолли характеристикаларини ҳисоблаш алгоритминини, ҳисоблашнинг дастурий воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, жумладан АҚШ, Канада, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, ҳамда Россия Федерациясида ва бошқа давлатларда кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқларининг самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқлари структурасини келтирилган умумтармоқ харажатлар мезони орқали оптималлаштириш алгоритмларини, приоритетли маълумотлар оқимининг вақт-эҳтимолли характеристикаларини ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқишга ва тармоқни оптимал структурасини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, махсус тайинланган телекоммуникация алоқа тармоқларини қуриш усулларини ва дастурий ҳисоблаш воситаларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади. Кўп поғонали телекоммуникация тармоқлар самарадорлигини ошириш усулларини, оптималлаштириш алгоритмларини, ҳамда маълумотлар оқимининг ўртача ушланиб қолиш вақт мезони бўйича тармоқ тугунларини оптимал жойлаштириш мезонларини ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланмоқда.

Республикамизда ҳам кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқларини оптималлаштириш алгоритмларини, узатилаётган маълумотлар оқимининг ҳар хил турдалигини, приоритетлигини, ишончлилигини эътиборга олувчи ва вақт-эҳтимолли характеристикаларини ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқишга қаратилган чора-тадбирлавр амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “.....иктисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, давлат хизматларини кўрсатиш ва бу хизматдан аҳоли, ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятларини ошириш”¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда маълумотлар оқимининг ҳар хил турдалигини,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 –сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони

приоритетлигини ҳисобга олувчи вақт-эҳтимолли характеристикаларни ҳисоблаш алгоритмини, кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқларининг топологик моделларини ва оптималлаштириш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПК-4022 – сонли “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги ПП-4329 – сонли “Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” устувор йўналишларига мос ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқ структурасининг топологик моделларини, оптималлаштириш алгоритмларини ва ҳисоблашнинг дастурий воситаларини, маълумотлар оқимининг турлилигини, ишончлилигини ҳисобга олувчи вақт-эҳтимолли характеристикаларини ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқишга ва яратишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Eindhoven University of Technology (Нидерланды), Campus Pierre et Marie Curie Sorbonne Université (Франция), Université du Québec en Outaouais (Канада), Massachusetts Institute of Technology (США), University of Oslo (Норвегия), ETH Zurich (Швейцария), Warsaw University of Technology (Польша) ларида олиб борилмоқда.

Лаплас-Стилтьес математик аппарати ёрдамида тармоқ орқали узатилаётган маълумотлар оқими характеристикаларини ҳисоблаш ва тармоқ структурасини оптималлаштириш алгоритмларини ишлаб чиқиш профессор М. А. Бонч-Бруевич номли Санкт-Петербург телекоммуникация Давлат университетида (Россия), Москва алоқа ва ахборотлаштириш техника университетида (Россия), А.Ф. Можайск номли ҳарбий-космик академиясида (Россия), Совет Игтифоқи маршали С.М. Буденный номидаги ҳарбий алоқа академиясида (Россия) олиб борилган.

Жаҳоннинг етакчи давлатларида телекоммуникация тармоқ структурасини оптималлаштиришнинг самарали алгоритмларини ва тармоққа келиб тушаётган турли маълумотлар оқимининг вақт-эҳтимолли

характеристикаларини ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги илмий натижалар олинган: оптимал тармоқларни топиш муаммолари – кластерлар, оптимал ечимлар топиш учун, қидирув тизими асосида эвристик ечимлар ва тармоқнинг математик моделлари (Graduate School of Business and Administration, АҚШ), алоқа тармоқларини оптималлаштириш масалаларини ечиш бўйича замонавий ишланмалар келтирилган (Maastricht Research School of Economics of Technology and Organization, Голландия), маълумотлар оқимининг ўртача ушланиб қолиш вақти чегирмаси асосида, келтирилган умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича, тармоқ структурасини оптималлаштириш масалаларини ечиш учун жарималар функциясидан фойдаланиш тавсия этилган (профессор М.А. Бонч-Бруевич номли Санкт-Петербург телекоммуникация Давлат университети, Россия).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқларини тадқиқ қилишнинг самарали усулларини ва турли маълумотлар оқими характеристикаларини ҳисоблаш ва тармоқ структурасини оптималлаштириш алгоритмларини, махсус тайинланган телекоммуникация алоқа тармоқларини куриш тамойилларини ишлаб чиқиш масалаларига Нгуен Дык Тай, Li Y.F., D. R. Miller, W. Ogryczak, M. Piuro, Sansavini G., Zio E., A. Capone, R. Atar, W. J. Dally, Scott Pakin, Abdullah Konak, P. Tseng, J. Stephen, K. C. Madan, Г. П. Захаров, В. В., Лохмотко, Г. Г. Яновский, И. Я. Бурнашев, Н. В. Першаков, К. Е. Самуйлов, А. Е. Кучерявый, Г. П. Башарин, А. И. Парамонов, Ю. П. Л. Клейнрок, Г. Ф. Янбых, Столяров Б. А., Н. А. Соколов, Б. С. Гольдштейн, Г. В. Чечин, К. Е. Легков ва бошқа жaxon олимлари катта хисса қўшганлар.

Республикамизда кўп поғонали телекоммуникация тармоқлари структураларини келтирилган умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича оптималлаштириш алгоритмлари ва ҳар хил турдаги маълумотлар оқимининг вақт-эҳтимолли характеристикаларини ҳисоблашнинг математик моделларига қаратилган илмий ишлар М.Н.Арипов, Т.Н.Нишанбаев, Р.И.Исаев, М.М.Мусаев, Х.Н. Зайнидинов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўрганилган. Телекоммуникация тармоқларининг вақт-эҳтимолли характеристикаларини ҳисоблашнинг математик моделларини, структуравий параметрларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш муаммолари Х.З. Игамбердиев, Ш.М. Гулямов, Н.Б.Усманова ва бошқа олимларнинг илмий ишларида келтириб ўтилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тизимли ёндошувга асосланган кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоғи структурасини оптималлаштириш моделлари, усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган. Маълумотлар оқимининг турлилигини, ишончилигини ва приоритетлигини ҳисобга олувчи жараёнларни математик аппаратлар ёрдамида таҳлил қилиш замонавий талаблар даражасида тадқиқ этилмаган. Умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича тармоқнинг оптимал структурасини аниқлашнинг мавжуд бўлган алгоритмлари, ҳамда махсус тайинланган телекоммуникация алоқа тармоқларини тадқиқ қилиш ва турли

маълумотлар оқимининг вақт-эҳтимолли ҳарактеристикаларини ҳисоблашнинг алгоритмлари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №БВ-Ф4-011 – “Сигналларни ва тасвирларни қайта ишлаш масалаларида паралел ҳисоблашни назарияси, методлари ва воситаларини ривожлантириш” (2019-2020) ва №ФВ – Ф3-2019080214 «Фавқулодда вазиятларда қўлланувчи кўп функцияли робот яратиш» (2020- 2021) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп поғонали телекоммуникация тармоқлари самарадорлигини оширишнинг алгоритмлари, маълумотлар оқими ҳарактеристикаларини ҳисоблаш моделлари ва топологик структураларини оптималлаштиришнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишончликни ва турлиликни ҳисобга олувчи, тармоқнинг алоҳида фаза ва трактлари учун, нисбий ва абсолют приоритетли маълумотлар оқимлари ҳарактеристикаларини ҳисобловчи моделларни таҳлил қилиш;

умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича телекоммуникация тармоқ структурасини оптималлаштириш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

маълумотларнинг тугунларда ўртача ушланиб қолиш вақт мезони бўйича телекоммуникация тармоқлари тугунларини оптимал жойлаштириш усулини ишлаб чиқиш;

тармоқнинг структуравий параметрлари ва маълумотлар оқимининг вақт - эҳтимолли ҳарактеристикаларини боғлаш имконини берувчи аналитик модел ишлаб чиқиш;

кўп поғонали телекоммуникация тармоғининг приоритетли маълумотлар оқимининг вақт-эҳтимолли ҳарактеристикаларини ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

кўп поғонали телекоммуникация тармоғи структурасини оптималлаштириш усулларини такомиллаштириш;

кўп поғонали, махсус тайинланган телекоммуникация алоқа тармоқларини қуриш услубиятини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида кўп поғонали телекоммуникация тармоқлари ва ҳар хил турдаги маълумотлар оқимига приоритетли хизмат қилиш тизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини кўп поғонали телекоммуникация тармоқларини тадқиқ қилиш моделлари, жараёнлари ва алгоритмларини ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар жараёнида алоқа тармоқлари назарияси, эҳтимоллар назарияси, дискрет ва шартли оптималлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

телекоммуникация тармоқлари самарадорлигини ошириш имконини берувчи абсолют ва нисбий приоритетли маълумотлар оқими характеристикаларини ҳисоблашнинг математик моделлари ишлаб чиқилган;

тармоқнинг структуравий параметрлари билан маълумотлар оқимининг вақт-эҳтимолли характеристикаларини боғлаш имконини берувчи аналитик модель яратилган;

оптимал структурани аниқлаш имконини берувчи кўп поғонали телекоммуникация тармоқ структурасини кумулятив умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича оптималлаштириш алгоритмлари яратилган;

каналларнинг ўтказувчанлик қобилиятини танлаш ва маълумотлар оқимининг ушланиб қолиш вақтини камайтириш имконини берувчи тугунларни оптимал жойлаштириш мезони яратилган;

келиб тушаётган маълумотлар оқимининг ишончлилигини ва приоритетлигини ҳисобга олиш имконини берувчи вақт-эҳтимолли характеристикаларини ҳисоблаш алгоритми яратилган;

кўп поғонали телекоммуникация тармоқ структурасини оптималлаштириш усуллари такомиллаштирилган;

оптимал структурани аниқлаш имконини берувчи кўп поғонали махсус тайинланган телекоммуникация алоқа тармоқларини куриш мезони ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

келтирилган умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича кўп поғонали ва структурали телекоммуникация тармоқ структурасини оптималлаштиришнинг ҳисоблаш дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

M/M/1 модели асосида махсус тайинланган тармоқларда пакетларнинг ўртача ушланиб қолиш вақтини ҳисоблашнинг дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

махсус тайинланган тармоқ тугунига келиб тушувчи юкламаларнинг ўртача интенсивлигини ҳисоблашнинг дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

тармоқ тугунига тушувчи маълумотлар оқимининг умумий интенсивлигини ҳисобловчи дастурий восита ишлаб чиқилган;

пакетларни ўртача ушланиб қолиш вақт мезони бўйича махсус тайинланган тармоқлар структурасини оптималлаштириш дастурий ҳисоблаш воситаси ишлаб чиқилган;

телекоммуникация тармоғида маълумотлар оқимининг эҳтимолли-вақт характеристикаларини ҳисоблаш дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

келтирилган умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича телекоммуникация тармоғи структурасини оптималлаштириш дастурий воситаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот давомида кўп поғонали телекоммуникация тармоқ структурасини оптималлаштириш алгоритмларининг ва турли маълумотлар оқимлари характеристикаларини ҳисоблашнинг математик моделларининг

катъийлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилганлигини тасдиқловчи гувоҳномалар ва далолатномалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти приоритетли тизимнинг самарадорлигини ошириш имконини берувчи математик моделлари, тармоқнинг структуравий параметрлари билан маълумотлар оқимининг вақт-эҳтимолли характеристикаларини боғлаш имконини берувчи аналитик модель, тармоқнинг оптимал структурасини аниқлаш имконини берувчи оптималлаштириш алгоритмлари, каналларнинг ўтказувчанлик қобилиятини танлаш ва маълумотлар оқимининг ушланиб қолиш вақтини камайтириш имконини берувчи тугунларни оптимал жойлаштириш мезони, келиб тушаётган маълумотлар оқимининг ишончлилигини ва приоритетлигини ҳисобга олиш имконини берувчи алгоритми, тармоқ структурасини оптималлаштириш усуллари ва махсус тайинланган телекоммуникация алоқа тармоқларини қуриш мезони ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти кўп поғонали телекоммуникация тармоқларини тадқиқ қилишда М/М/1 модели асосида махсус тайинланган тармоқларда пакетларнинг ўртача ушланиб қолиш вақтини ва келтирилган умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича телекоммуникация тармоғининг оптимал структурасини аниқлаш имконини берувчи ва маълумотлар оқимининг кўп приоритетлигини, турлилигини ҳисобга олувчи вақт-эҳтимолли характеристикаларни ҳисоблаш дастурий воситаларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқларини тадқиқ қилиш усуллари, моделлари ва алгоритмлари бўйича олинган натижалар бўйича:

оптимал тармоқ структурасини аниқлаш имконини берувчи кўп поғонали махсус тайинланган телекоммуникация алоқа тармоқларини қуриш мезони ва тармоқнинг оптимал структурасини аниқлаш имконини берувчи кўп поғонали телекоммуникация тармоқ структурасини келтирилган умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича оптималлаштириш алгоритмлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар бош штабининг алоқа, ахборот технологиялари ва ахборотларни ҳимоялаш бош бошқармасига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 25 ноябрдаги №33-8/7130 - сон маълумотномаси). Натижада телекоммуникация тармоғининг оптимал структурасини аниқлашга ва лойиҳалаш учун кетадиган сарф ҳаражатларни 13-17% гача камайтиришга эришилган ва қарор қабул қилиш сифати яхшиланган;

приоритетли тизим самарадорлигини ошириш имконини берувчи абсолют ва нисбий приоритетли маълумотлар оқими характеристикаларини ҳисоблашнинг математик моделлари ва келиб тушаётган маълумотлар оқимининг ишончлилигини ва приоритетлигини ҳисобга олиш имконини берувчи, турли маълумотлар оқимининг вақт-эҳтимолли характеристикаларини ҳисоблаш алгоритми Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг алоқа ва ахборот – коммуникация технологиялари

харбий институтининг локал тармоғига жорий этилди (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 25 ноябрдаги №33-8/7130 – сон маълумотномаси). Натижада, институтнинг локал тармоғининг вақт – эҳтимолли характеристикаларини ҳисоблаш вақтини 15-20% гача қисқартиришга эришилган ва маълумотлар оқимини узатиш сифати оширилган;

кўп поғонали телекоммуникация тармоқ структурасини оптималлаштириш усуллари ва тармоқнинг оптимал структурасини аниқлаш имконини берувчи кўп поғонали телекоммуникация тармоқ структурасини келтирилган умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича оптималлаштириш алгоритмлари “Узбектелеком” АКга жорий этилди (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 25 ноябрдаги №33-8/7130 – сон маълумотномаси). Натижада “Узбектелеком” АК тармоқларини лойиҳалаштириш учун кетадиган сарф ҳаражатларни 3-4 % гача камайтиришга ва қарор қабул қилиш сифатини оширишга эришилган;

каналларнинг ўтказувчанлик қобилятини танлаш ва маълумотлар оқимининг ушланиб қолиш вақтини камайтириш имконини берувчи тугунларни оптимал жойлаштириш мезони “UNICON.UZ” ДУКга жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 25 ноябрдаги №33-8/7130 – сон маълумотномаси). Натижада кўп поғонали тармоқда маълумотларнинг ўртача ушланиб қолиш вақтини камайтиришга ва каналларнинг ўтказувчанлик қобилятини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий конференцияларда ҳамда илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий ишлар, улардан 12 та мақола Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан 9 та республика ва 3 та хорижий миқёсидаги журналларда чоп этилган ҳамда 6 та ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, ҳажми 194 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предмети тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг

апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш таҳлили ва шарҳи**» бобида кўп поғонали телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва тадқиқ қилиш бўйича адабиётлар манбаларининг таҳлили ва шарҳи келтирилган. Телекоммуникация тармоқ структураси унинг асосий конструктив характеристикаси (1-расмда келтирилган) ва территория бўйича ёйилган дастурий-аппарат воситаларнинг (коммутация марказлари, алоқа каналлари, бошқарув марказлари ва б. мажмуаси эканлиги аниқланган.



1-расм. Поғонасимон структурали телекоммуникация тармоғи.

Алоқа трактларини кўп маротаба улайдиган, йирик ўлчамда қурилган телекоммуникация тармоқлари таҳлили иқтисодий томондан кўп поғонали тармоқларнинг самарали эканлигини аниқлади. Бундай тармоқларни лойиҳалаштиришда алоқа каналларининг умумий узунликлари қисқаришига, ва шу орқали уларнинг тан нарҳининг пасайишига, алоқа каналларининг ўтказувчанлиги ошишишига ва тугун қурилмаларининг самарали ишлатилишига, тармоқда бошқарув жараёнининг соддалашувига ва тармоқ ресурсларининг иқтисод қилинишга эришилади. Кўп поғонали телекоммуникация тармоқларининг бир нечта устуворликлари: алоқа каналлари ва тугун қурилмаларининг самарали ишлатилиши; юкламаларнинг тармоқнинг пастки поғонасида максимал равишда боғланиши; тармоқда бошқарув жараёнининг соддалиги; тармоқ ресурсларининг иқтисод

қилиниши; телекоммуникация тармоқларининг самарали ишлашининг ошиши тадқиқот ва таҳлиллар асосида аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи «**Кўп поғонали телекоммуникация тармоқларида маълумотлар оқимининг приоритетли хизмат қилиш моделлари**» бобида Лаплас-Стилтьес ўзгартирувчи (ЛСЎ) математик аппарати асосида турли маълумотлар оқимининг нисбий ва абсолют приоритетли математик моделлари ишлаб чиқилган. Маълумотлар оқимининг вақт-эҳтимолли характеристикаларини ҳисоблаш учун ЛСЎ математик аппарати ва $M_k/G_k/1/\infty$ (бўюртмаларнинг келиб тушиш қонуни экспоненциал қонун асосида, бўюртмаларга оммавий хизмат қилиш тасодифий қонун асосида, бир қурилмали и навбатлар чексиз) туридаги оммавий хизмат кўрсатиш (ОХТ) тизимидан фойдаланган ҳолда турли маълумотлар оқимига нисбий ва абсолют приоритетли хизмат қилиш амалга оширилади. Бир чизиқли ОХТ га P приоритетли пакетлар оқими келиб тушса, пакетлар $\lambda_k, k = \overline{1, P}$ интенсивлик билан Пуассон оқимларини ташкил этади. Пакетларнинг йиғма оқими $\sigma = \sum_{k=1}^P \lambda_k$ интенсивлик билан Пуассон оқими ҳисобланади ва $M_k/G_k/1/\infty$ туридаги оммавий хизмат қилиш тизимида қуйидаги иккита жараён кузатилади:

кутиш жараёни, тақсимлаш функцияси $W_k(t)$ билан характерланувчи t_{wk} тасодифий вақт билан;

хизмат қилиш жараёни, тақсимлаш функцияси $H_k(t)$ билан характерланувчи t_{hk} тасодифий вақт билан.

У ҳолда k приоритетли пакетнинг тасодифий етиб бориш t_{gk} вақти қуйидагича аниқланади:

$$t_{gk} = t_{wk} + t_{hk}, \quad k = \overline{1, P} \quad (1)$$

бу ерда: t_{wk} – k приоритетли пакетларга хизмат қилишни кутиш вақти; t_{hk} – k приоритетли пакетларга хизмат қилиш вақти; P – приоритетлар сони; Тизимда пакетнинг етиб келиш вақтининг тақсимлаш функцияси эса:

$$V_k(t) = W_k(t) * H_k(t), \quad (2)$$

бу ерда: $*$ - Стилтьес бурамаси белгисини билдиради.

Узатиш бўлимида k приоритетли пакетнинг ўртача етиб келиш вақти (2) ифодадан аниқланади:

$$T_k = \int_0^{\infty} t \cdot dV_k(t), \quad (3)$$

Узатиш бўлимида k приоритетли пакетларга хизмат қилиш вақтини топиш t_{hk} учун t вақт мобайнида k приоритетли пакетлар оқимига хизмат қилувчи $H_k(t)$ тақсимлаш функциясининг Лаплас-Стилтьес ўзгартирувчи математик аппаратидан фойдаланган ҳолда қуйидагича аниқланади.

$$Q_k(v) = \int_0^{\infty} e^{-vt} dV_k(t) = w_k(v) \cdot h_k(v), \quad (4)$$


бу ерда: v – маълумотларнинг эскириб қолиш интенсивлиги $v = 1/T_z, T_z$ – эскириб қолишнинг ўртача вақти; $w_k(t)$ – вақти мобайнида k приоритетли пакетларга хизмат қилиш бошланишининг кутиш вақтининг Лаплас-Стилтьес математик ўзгартирувчисидан олинган $W_k(t)$ тақсимлаш функцияси; $h_k(t)$ – t вақт мобайнида k приоритетли пакетларга хизмат қилишнинг Лаплас-Стилтьес математик ўзгартирувчисидан олинган тақсимлаш $H_k(t)$ функцияси. Кўп поғонали телекоммуникация тармоғида пакетларнинг ўртача етиб келиш вақти T оқимларнинг ҳар хил маршрутлар бўйича оқатган оқимларнинг бир қисмига нисбатан ҳисобланади. Кўп поғонали структурага эга бўлган тармоқнинг r -поғона оқали ва тармоқости r -поғоналари учун умумтармоқ бўйича пакетларнинг етиб келиш вақти қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$T = \frac{1}{\Lambda} \sum_{r=2}^R [2(\lambda_{r-1,r} m_{r-1,r} T_{r-1,r}) + 2(\lambda_{r,r} m_{r,r} T_{r,r}) + (\lambda_r n_r T_r)], \quad (5)$$

бу ерда: Λ – кириб келувчи оқимнинг йиғма интенсивлиги; R – поғоналар сони; λ – маълумотлар оқимининг келиб тушиш интенсивлиги; m_r – r -поғонадаги алоқа каналлари сони; $m_{r-1,r}$ – $(r-1, r)$ - индексли поғоналар ўртасидаги тармоқ ости алоқа каналлари сони; n_r – r - поғонадаги тугунлар сони.

$$m_{r,r} = \frac{n_r k_r}{2}, \quad m_{r-1,r} = n_{r-1} \quad (6)$$

Маълумотлар оқимига нисбий ва абсолют приоритетли хизмат қилишнинг математик моделлари асосидаги натижалар 2 - расмда келтирилган.



2-расм. Алоқа каналлари юкламасининг маълумотларнинг ўртача ушланиб қолиш вақтига боғлиқлиги.

Натижалар асосида хулоса қилиш мумкинки, абсолют приоритет, катта приоритетлар нисбий приоритетга қараганда ушланиб қолиш вақтининг кам бўлган қийматини таъминлаб беради, яъни абсолют приоритет 1 нисбий

приоритет 2 га нисбатан 1,75 марта кам бўлган ушланиб қолиш вақтини ва 0,8 марта кам бўлган вақтни таъминлаб беради.

Диссертациянинг учинчи «**Кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқларини тадқиқ қилиш**» бобида бир тугунли, кўп поғонали телекоммуникация тармоқ характеристикалари тадқиқ қилинган ва пакетларни ўртача ушланиб қолиш вақт мезони бўйича тугунларни оптимал жойлаштириш, ҳамда жарима функцияси усули ёрдамида келтирилган умумтармоқ ҳаражатлари мезони бўйича тармоқ структурасини оптималлаштириш масалалари кўриб чиқилган. Кўп поғонали телекоммуникация тармоқ структураларини оптималлаштириш келтирилган умумтармоқ ҳаражатларини минималлаштирувчи X векторни ташкил этувчиларини топишга йўналтирилади ва u вектор ўз таркибига қуйидагиларни олади:

$$X = \left[R, W_r, W_{r-1,r}, n_{ir}, m_{jr}, m_{jr-1,r} \right], \quad (7)$$

бу ерда: $R - W_r, r = \overline{1, R}$ топологияли тармоқнинг поғоналар сони; $W_{r-1}, r = \overline{2, R}$ поғоналар ўртасидаги тармоқости топологияси; $n_{ir} - r$ - поғонадаги i - турдаги коммутация тугунлари сони (концентраторлар ва марказий коммутация тугунлари); $m_{jr} - r$ - поғонадаги j - турдаги алоқа каналлари сони; $m_{jr-1,r}, - (r-1, r)$ индексли поғоналараро тармоқости j - турдаги алоқа каналлари сони; кўп поғонали ва структурали телекоммуникация тармоқни оптималлаштиришнинг умумий масаласи қуйидаги кўриниш олади: келтирилган умумтармоқ ҳаражатларни минималлаштириш:

$$P(X) \rightarrow \min. \quad (8)$$

кўп поғонали телекоммуникация тармоқ фойдаланувчиларига хизмат қилиш сифат даражаси бажарилган холда, яъни товуш сигналини T тасодифий вақт орлиғида $P_k\{T \leq t\}$ эҳтимоли билан етиб келиш вақти ва k приоритетли пакетларнинг етиб келиш вақтлари T_k берилган t вақт меъёридан ошиб кетмаслиги талаб этилади. Кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоғи учун келтирилган умумтармоқ ҳаражатлари $P(X)$ қуйидаги кўринишда бўлади:

$$P(X) = E_H \sum_{r=2}^R \left\{ \sum_{I=1}^I W_{ir} C_I n_{ir} + \sum_{J=1}^J \left[W_{jr,r} C_{jr,r} m_{jr,r} + W_{jr-1,r} C_{jr-1,r} m_{jr-1,r} \right] \right\} + \sum_{r=2}^R e_r s_r, \quad (9)$$

бу ерда: R - поғоналар сони; E_H - капитал ҳаражатларнинг норматив иқтисодий самарадорлик коэффициенти, $E_H = 0,15$; $I - C_i = \{G_i^y(K_{zi}^y, d_i^y)\}$ тан нархлар функцияси билан фарқланувчи тугун турлари (шлюзлар, коммутаторлар, серверлар, ишчи станциялар) сони, бу ерда: G_j^y - коммутация тугунининг тайёргарлик K_{zi}^y коэффициенти билан ифодаланувчи

самарадорлик коэффициентлари, тикланиш интенсивлиги d_i^y , бу ерда: $i = \overline{1, I}$; n_{ir} – r – поғонадаги i - турдаги коммутация тугунлари сони; $J - C_j = \{V_j, l_j\}$ – таннархлар функцияси билан фарқланувчи алоқа каналлар турлари сони, бу ерда: V_j – алоқа каналлари тезлиги, l_j – алоқа каналнинг узунлиги, тайёргарлик коэффициентлари K_{ej}^k ва тикланиш интенсивлиги $d_j^k, j = \overline{1, J}$; $m_{jr} - r$ – поғонадаги j - турдаги алоқа каналлари сони; $J - C_{jr-1,r}^k = \{V_{jr-1,r}, l_{jr-1,r}\}$ тан нарх функцияси билан фарқланувчи поғоналараро канал турлари сони, бу ерда: $V_{jr-1,r}$ – поғоналараро алоқа каналлари тезлиги, $l_{jr-1,r}$ – поғоналараро алоқа каналлари узунлиги, $K_{jr-1,r}^k$ тайёргарлик коэффициентлари, $d_{jr-1,r}^k$ – поғоналараро алоқа каналларининг тикланиш интенсивлиги, бу ерда: $j = \overline{1, J}$; $m_{jr-1,r} - j$ - турдаги $(r-1)$ ва r поғоналараро каналлар сони;

$$W_{ir} = \begin{cases} 1, & \text{агар } i - \text{коммутация тугун } r - \text{поғонада жойлашган бўлса;} \\ 0, & \text{акс холда;} \end{cases}$$

$$W_{jr} = \begin{cases} 1, & \text{агар } j - \text{алоқа канали } r - \text{поғонада жойлашган бўлса;} \\ 0, & \text{акс холда;} \end{cases}$$

$$W_{jr-1,r} = \begin{cases} 1, & \text{агар } j - \text{алоқа канали } (r-1) \text{ билан } r - \text{поғоналар ўртаси} \\ & \text{жойлашган бўлса;} \\ 0, & \text{акс холда;} \end{cases}$$


Формула (9) да биринчи қўшилувчи тугун қурилмаларининг капитал харажатларини, иккинчи ва учинчи қўшилувчилар мос холда, ички зонали линия қурилмаларининг ва поғоналараро тармоқности капитал харажатларни, охириги қўшилувчи эса эксплуатацион харажатларни ташкил қилади. Ҳар хил топологик структураларга эга бўлган (РС-радиал структура, ХС - халқасимон структура, ПС – панжарали структура, ТБС-тўлиқ боғланган структура) телекоммуникация тармоқлари структурасини оптималлаштириш масаласини ечиш жарима функцияси усулини қўллаш орқали амалга оширилади. Жарима функцияси усулининг қулайлиги шундан иборатки, минималлаштириш масаласини ечишда чегирмалар функциясининг нозикли, чизикли, ясси ёки ясси бўлмаслиги асосий аҳамиятга эга бўлмайди. Ундан ташқари, жарима функцияси усулида бошланғич нуқтанинг рухсат этилган соҳада бўлиши талаб этилмайди. Жарима функцияси усули орқали ечиладиган масаланинг соддалашуви, чегирмалар функциясини ва тадқиқот мезонларини ҳисобга олувчи умумлаштирилган мақсадли функциянинг $F(X, h)$ бошланғич мақсадли функция билан алмаштирилиши ва шу орқали тадқиқотлар ҳисобига эришилади:

$$F(X, h) = \Pi(X) + P(h)\Psi(X) \rightarrow \min, \quad (10)$$

бу ерда: $\Psi(X)$ – «X» вектор функцияси, $\Psi(X) = 0$ агар чегирмалар талаби бажарилса (яъни кидирилаётган нуқта рухсат этилган соҳада ёки унинг чегарасида жойлашса), ва $\Psi(X) \neq 0$ – тескари ҳолатида; $P(h)$ – h ўзгарувчининг монотон равишда ўсувчи функция. $F(X, h)$ функциянинг қиймати $\Pi(X)$ функция қиймати билан, рухсат этилган соҳада, мос келса қабул қилинади, агар рухсат этилмаган областга мос келса у ҳолда $P(h)\Psi(X)$ жарима функцияси билан аниқланади. Бу функциянинг қиймати X нуқтанинг рухсат этилган соҳадан узоқлашиши билан ошиб боради. Телекоммуникация тармоғи структурасини оптималлаштириш масаласини ечишда қабул қилинган жарима функцияси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$F(X, h) = \Pi(X) + \frac{h}{2} \sum_{i=1}^{m_o} \left\{ \left[\varphi_i(X) + \frac{\lambda_i}{h} \right]^+ \right\}^2, \quad (11)$$

бу ерда: m_o - чегирмалар сони; $h, \lambda_i - h > 0, \lambda_i > 0$ алгоритмлар параметрлари, $i = \overline{1, m_o}$; $[\bullet]^+$ - $\Psi(X)$ функцияси; $\varphi_i(X)$ - чегирмалар функцияси. Вақт эҳтимолли характеристикаларни эътиборга олган ҳолда, келтирилган умумтармоқ ҳаражатлар мезони асосида, кўп поғонали ва структурали телекоммуникация тармоғини тадқиқ қилиш оптималлаштириш масаласини бир неча бор ечиш орқали амалга оширилди ва натижалар олинди (3 ва 4 - расмлар). Бу расмда: РС – радиал структура; ХС – халқасимон структура; ПС – панжарасимон структура; ТБС - тўлиқ боғланган структура.




3-расм. Куммулятив ҳаражатларнинг тармоқ ўлчамига боғлиқлиги

3x3, 4x4 ва 5x5 километрли кам ўлчамли соҳалар миқёсида куммулятив умумтармоқ ҳаражатлар қиймати кам ўзгаради, чунки чегараланган соҳаларда асосий ҳаражатлар миқдорини тугунларнинг тан нархлари ташкил этади, уларнинг сони эса тармоқ соҳанинг ўлчамига боғлиқ эмас, улар фақат тармоқ сифими орқали аниқланади ва радиал топологияли тармоқ бошқа тармоқларга нисбатан кам ҳаражатли тармоқ сифатида аниқланган (3 расм).

Тармоқнинг R=2, 3, 4, 5 поғоналар сонининг куммулятив умумтармоқ ҳаражатларига боғлиқлик графиги 3 – расмда келтирилган. Иқтисодий кўрсаткичлар нуқтаи назардан 2 ва 3 поғонали тармоқлар 4 ва 5 поғонали тармоқларга нисбатан бир (2-3) баробар кам ҳаражатли эканлиги аниқланган.

Кўп поғонали телекоммуникация тармоғини оптималлаштириш усули куммулятив умумтармоқ ҳаражатлар мезони асосида тармоқнинг оптимал структурани аниқлаш, шу билан бир қаторда, тармоқнинг поғоналар сонини ва охирига қурилмалари сонини ҳисобга олиш имконини беради.



4-расм. Куммулятив ҳаражатларнинг поғоналар сони билан боғлиқлиги

Телекоммуникация тармоқларида тугунларга тушаётган юкларнинг ошиб бориши натижасида келиб тушаётган маълумотлар оқимига хизмат қилиш учун, тугунларнинг қувватини ошириш ёки юкларни текис тақсимлаш зарурияти пайдо бўлади. Шу нуқтаи назардан телекоммуникация тармоқларида тугунларни оптимал равишда тақсимлаш масаласи муҳим ва нозикли дискрет математик дастурлаш масаласи ҳисобланади. Аниқ бир вақт интервалида i тугунга келиб тушаётган юкларнинг ўртача интенсивлиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\gamma_i = \lambda_i - \sum_{i=1}^n \lambda_i \cdot x_{ij} + \sum_{j=1}^n \lambda_j \cdot x_{ji}. \quad (12)$$

бу ерда: n – узатувчи тугунлар сони; λ_i – i тугунга келиб тушаётган маълумотлар оқими интенсивлиги; λ_j – j тугунга келиб тушаётган маълумотлар оқими интенсивлиги; x_{ij} – i тугундан j тугунга λ_i интенсивликда келиб тушаётган маълумотлар оқимининг бир қисми; x_{ji} – j тугундан i тугунга λ_j интенсивликда келиб тушаётган маълумотлар оқимининг бир қисми. Биринчи қўшилувчи i тугун орқали бошқа тугунларга йўналтирилган хизмат қилинмаган юклар йиғиндисини аниқлайди,

охирги қўшилувчи эса бошқа тугунлардан келиб тушган юкламалар йиғиндисини аниқлайди.

Агар ҳар бир тугунни оммавий хизмат қилиш тизимининг М/М/1 модели сифатида қаралса, у ҳолда, тугунлараро юкламаларни текис тақсимлаш учун маълумотлар оқимини танлаш ўртача ушланиб қолиш вақтини минималлаштириш формуласи орқали амалга ошириш мумкин бўлади:

$$\bar{T} = \frac{1}{\lambda} \sum_{i=1}^n (\gamma_i \cdot T_i) = \frac{1}{\lambda} \sum_{i=1}^n \left(\frac{\gamma_i}{\mu_i - \gamma_i} \right). \quad (13)$$

бу ерда: λ – тугунга келиб тушаётган маълумотлар интенсивлиги; γ_i – i тугунга келиб тушаётган юкламанинг ўртача интенсивлиги; T_i – i тугундаги маълумотларнинг ушланиб қолиш вақти; μ_i – i тугуннинг хизмат қилиш интенсивлиги; n – тугунлар сони.

Маълумотларни текис тақсимлаш йўли орқали юкламаларни тақсимлашнинг математик нуқтаи назардан масаланинг қўйилиши қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\bar{T} = \frac{1}{\lambda} \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m \left(w_1 \frac{f_{ij}}{\mu_i - f_{ij}} + w_2 \cdot f_{ij} \cdot T_{ij} \right) \longrightarrow \min, \quad (14)$$


$$f_{ij} \geq 0, \quad \sum_{i=1}^n f_{ij} \leq \mu_j, \quad \sum_{i=1}^n f_{ij} = F_i.$$

бу ерда: m – қабул қилувчи тугунлар сони; w_1, w_2 – ҳар бир мезон учун оғирлик коэффициентлари, одатда $w_2 = 1 - w_1$; T_{ij} – i ва j - тугунлардаги маълумотларнинг ушланиб қолиш вақти; f_{ij} – i тугундан j тугунга юборилаётган маълумотлар интенсивлиги. Ушбу ҳолатда юкламалар тугунларга приоритетсиз маълумотлар оқими сифатида келиб тушмаяпти деб қаралади.

Тугунларни оптимал жойлаштириш масаласини ечиш учун (14) чи мезонни такомиллаштирамиз. i тугунда маълумотларга хизмат қилиш нархини белгилувчи Z_i ўзгарувчини киритилади. Z_i ўзгарувчи i тугуннинг қўшилганлигини ёки аренда учун кетадиган харажатлар миқдорини аниқлайди. (14) мезонга тугунларда маълумотларга хизмат қилиш нархини қўшамиз ва қуйидаги формула олинади:

$$\bar{T} = \frac{1}{\lambda} \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m \left(w_1 \cdot \frac{f_{ij}}{\mu_i - f_{ij}} + w_2 \cdot f_{ij} \cdot T_{ij} + w_3 \cdot f_{ij} Z_j \right) \rightarrow \min, \quad (15)$$

Турли топологияларга эга бўлган телекоммуникация тармоқларида (РС-радиал структура, ХС - халқасимон структура, ПС – панжарали структура, ТБС-тўлиқ боғланган структура) оптимал тугунлар сонини аниқлашда пакетларнинг ўртача ушланиб қолиш вақти асосий параметр эканлигини эътиборга олган ҳолда, пакетларнинг ўртача ушланиб қолиш вақтини ҳисобланади ва натижада тармоқ тугунлар сонининг маълумотларнинг ўртача ушланиб қолиш ватиға боғлиқлик графиги олинади (5-расм).




5-расм. Тармоқ тугунлари сонининг маълумотларнинг ўртача ушланиб қолиш вақтига боғлиқлик графиги

Тугунларнинг сони ошиб борган сари маълумотларнинг тугунларда ушланиб қолиш вақтининг ўртача қиймати ошиб боради. Радиал топологияли тармоқда энг кам миқдордаги маълумотларнинг ушланиб қолиш вақти таъминланган. Барча топологияли тармоқларда тугунлар сони 10 бўлганда маълумотларнинг ўртача ушланиб қолиш вақтининг оптимум қиймати мавжуд. Радиал топологик структурали тармоқ қўлланилганда маълумотларнинг тугунларда ушланиб қолиш вақтининг минимал қиймати кузатилади: 40 та тугун бўлганда 4 мс, бу эса тўлиқ боғланган тармоқдан (16 мс) 4 баробар кам, ва 3 баробар кам панжарали тармоқдан (12 мс).

Диссертациянинг тўртинчи “**Кўп поғонали телекоммуникация тармоқларини тадқиқ қилишнинг алгоритмларини ишлаб чиқиш**” бобида кўп поғонали структурага эга бўлган телекоммуникация тармоқларини оптималлаштириш алгоритмлари келтирилган. Яратилган алгоритм телекоммуникация тармоқларини куммулятив умумтармоқ ҳаражатлар мезони бўйича тармоқнинг оптимал структурасини аниқлаш (6-расм) ва тармоқнинг бир нечта параметрларини ҳисоблаш имконини беради ҳамда янги технологияларга асосланган тармоқлар параметрларини ҳисоблашга мослашган алгоритм ҳисобланади. Яратилган алгоритм телекоммуникация тармоқларининг умумтармоқ куммулятив ҳаражатларини ҳисоблаш, оптимал структурасини аниқлаш ва янги техник ва структуравий ўзгаришларга мослашиш имконини беради.

Тармоқ структураларини оптималлаштириш алгоритми, қуйидаги кадамлар бўйича амалга оширилади:




6-расм. Умумтармоқ куммулятив ҳаражатлар мезони бўйича тармоқ структурасини оптималлаштириш алгоритми

Диссертациянинг бешинчи «**Махсус тайинланган телекоммуникация алоқа тармоқларини тадқиқ қилиш**» бобида махсус тайинланган

телекоммуникация алоқа тармоқларини лойиҳалаш тамойилларини ишлаб чиқиш масалалари ёритилган.

Ҳар қандай тизим ва унинг функционал вазифаларини бажариш шартлари маълум бир параметрларнинг йиғиндилари ва махсус тайинланган телекоммуникация алоқа тармоқларининг оммавий хизмат кўрсатиш тизими орқали характерланади (7-расм)



7-расм. Махсус тайинланган телекоммуникация алоқа тармоқларининг оммавий хизмат кўрсатиш тизими

Юқорида келтирилган махсус тайинланган тармоқнинг оммавий хизмат кўрсатиш тизимига мос ҳолда, махсус тайинланган тармоқнинг математик модели қуйидаги кўриниш олади:

$$Y^k = F(X^k(t), W^k(t), U^k(t), O_s(t)), \quad (16)$$

бу ерда: Y^k – махсус тайинланган алоқа тизимининг чиқиш (мақсадли) самарадорлигининг сонли кўрсаткичлари; $X^k(t)$ – кириш параметрлари; $W^k(t)$ – тизимнинг ички ҳолати параметрлари; $O_s(t)$ – бошқарувсиз ташқи таъсирлар; $U^k(t)$ – алоқа тизимининг бошқарувчи таъсирлар параметрлари. Кириш параметрлари X^k вектор орқали характерланади ва қуйидаги ташкил этувчилар таркибидан иборат бўлади:

$$X^k = (Q^{k,q}, Y_{ij}^m), \quad (17)$$

